
БУВАЙДАМ СЕНИНГ ЁШЛАРИНГ! УЛУҒБЕК ВИЛОЯТ ЧЕМПИОНИ!

Яқинда Фарғона шаҳрида 15 ёшли ўғил болалар ўртасида спортнинг шахмат тури бўйича вилоят чемпионати бўлиб ўтди. Ушбу мусобақада қатнашган туманимиз вакили, 11-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Улуғбек Рўзиев биринчи ўринни эгаллаб, Фарғона вилояти чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди.

- Шогирдимнинг ушбу ютуғидан барчамиз хурсандмиз, - дейди- ёш шахматчининг устози Фуломжон Имомов. - Насиб қилса яқинда пойтахтимизда ўтадиган мамлакат чемпионатида ҳам Улуғбек ғолиблар сафида бўлиб, Осиё ва жаҳон чемпионатиغا йўлланмага эга бўлади, деган ниятдамиз.

Ғолиблар сафида бўлган ёш спортивчимизга мусобақа ташкилотчиларининг Фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғаси топширилди.

М.КЕНЖАЕВ,

БЎСМ услубчиси.

Суратда: Шахмат бўйича вилоят чемпиони Улуғбек Рўзиев.

2019-12-06 10:49:01